

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Қурилиш Институтини

“Архитектура” факультетини
“Касб таълими” кафедрасини



Битирув малакавий ишининг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Рангтасвирда “Қишлоқ” манзарасини ишлаш ва
уни ўқитиш услуги**

Кафедра мудири: доц. А.Қ. Рахимов
Раҳбар: ўқит. Ф.Ш.Ахатов
Бажарди: 401-КТ(ТС ва МГ) гуруҳини
талабасини Исматова Х.

Самарқанд 2015 йил

Мундарижа

№	Бўлимлар	саҳифа
I.	Кириш	
II.	Мавзуни асослаш	
	А) Рангтасвир санъати.	
	Б) Рангтасвирда манзара жанри.	
III.	Ижодий жараён	
IV.	Ўқув – услубий қисми	
V.	Хаётий фаолият хавфсизлиги	
VI.	Атроф мухит муҳофазаси	
VII.	Иловалар	
VIII.	Хулоса	
IX.	Фойдаланилган адабиётлар	

К И Р И Ш

КИРИШ

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

“Юксак маънавият – енгилмас куч”.

Ислом Каримов.

Ҳар бир халқнинг тараққиётида миллий-маънавий маданият асосий рол ўйнаганидек, мамлакатимиз халқлари тараққиётида ҳам миллий-маънавий ва моддий маданият муҳим аҳамиятга эгадир. У халқимизнинг тарихий ривожланиш босқичларини белгилаб беради.

Бу тараққиёт, ривожланиш босқичлари инсонлар учун маънавий-маърифий тараққиёт, яъни бевосита ақлий, онг ва қалбий, тафаккурий ривожнинг, онгли ҳаётнинг, турмуш тарзининг шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб, тараққий этиши билан маънавий ва моддий маданиятнинг оддий натурал шаклида, тобора мураккаблашиб бориши билан характерланади. Ушбу тарихий тараққиёт жараёнида инсонлар табиат ва жамиятни, унинг ҳодиса, воқеаларини, сирларини ўрганади, ақлан идрок этиб, қалби орқали фикрлаб, тобора онг ва тафаккурни бойитиб боради.

Ҳаётдаги, табиат ва жамиятдаги ҳар бир ўзгаришга ўзининг фикри, мулоҳазаси, қизиқиши, алоқа ва муносабатларини билдириб

борганлар. Фаолияти, меҳнати орқали ўзларининг маданиятини қадимдан тобора такомиллаштириб, ривожлантириб, маънавий, моддий манбаларни яратиб келганлар. Бу манбалар ўлкамиз халқларининг маънавий ва моддий маданияти қадимдан шаклланиб, асрлар оша тобора ривожланиб келганлигидан далолат беради.

МАВЗУНИ
АСОСЛАШ

Мавзуни асослаш.

Менинг битирув малакавий ишим мавзуси “Рангтасвирда “Қишлоқ” манзарасини ишлаш ва уни ўқитиш услуби” деб номланади.

Мен мавзуим орқали рангтасвир санъатида манзара жанрида ўзим туғилиб ўсган жона-жон қишлоғимни тасвирлашга ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чунки менга Ўзбекистоннинг сўлим ва гўзал қишлоқлари, уларнинг бетакрор табиати, об-хавоси, инсонларининг оддий, содда ҳаёти ва қолаверса рангтасвир санъатининг манзара жанрида ишлаш жуда ёқадиган шунинг учун битирув малакавий ишимга мавзу қилиб “Қишлоқ” манзарасини ишлашга қарор қилдим. Тасвирий санъат – энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир.

Рангтасвир - ҳақиқий ҳаётни акс эттириб, тамошабиннинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир ўтказувчи тасвирий санъат турларидан биридир.

Бирор бир сатх юзасига, бўёқлар (мойбўёқ , темпера, акварел, гуаш ва бошқалар) билан бажарилган санъат асарига рангтасвир дейилади. Рангтасвирдаги образлар жуда ёрқин ва томашабоп. Рассомлар асарларини рангтасвир ва пластик воситалар билан яратадилар. Улар қаламтасвир ва композиция имкониятларидан фойдаланганлари билан, рангтасвирдаги энг асосий таъсирчанликни берувчи воситалардан бири бу ранг ҳисобланади.

Рангтасвирдаги тасвирлар тасвирий сатхда узлуксиз бўёқ қатламини ҳосил қилувчи бўёқлар ёрдамида яратилади. Хаттоқи акварел рангтасвирида қоғозда бўёқ тегмаган жойлар қолса ҳам,

тасвирнинг узлуксизлигига таъсир қилмайди, чунки бўёқлар бири-бирига сингишиб ва аралашиб кетишади.

Рангнинг тасвирий ва таъсирчанлик имкониятларидан рангтасвирда рассомга зарур бўлган эркинлик ва тўлиқ куч билан фойдаланилади. Ранг орқали композициядаги асосий фикрни ажратиб кўрсатиш, муҳим деталларини бўрттириш, масофани чуқурлигини бериш ёки тасвирнинг яссилигини бериш мумкин.

Рангтасвирнинг энг муҳим ажралиб турувчи хусусиятлари шундан иборатки, унда шакл ва масофанинг тасвири, образлар ва ҳаракатлар фақат ранг орқали кўрилади.

Шундан келиб чиқиб табиатимизнинг бетакрор гўзаллигини ифодаловчи манзара жанрида ижод қилишим, манзара жанри тарихи, ушбу жанрда ижод қилган буюк рассомларимизнинг ижодини ўрганишим, чизишим ва шу тўрт йил ичида улар яратган манзара жанридаги асарларни таҳлил қилиб ўрганиб чиқдим.

Менга манзара жанрида ишлаш учун қўйиладиган талаблар шу билан бирга ранглар ечими ва тўғри танланган мавзулар жуда ёқади. Ёрқин ранглар мавзуларнинг бой диққатга сазоворлиги, табиатнинг мафтункорлиги, атрофимизни ўраб турган тоғларнинг буюклиги, сой ва шаршаралардан оқиб келаётган оби ҳаётимиз, қишлоқларимиздаги сокин ва тинч ҳаёт мени ўзига мафтун этади.

А) Рангтасвир санъати

А) Рангтасвир санъати.

Талабаларни ўзимизнинг туғилган юртимиз тарихи ва санъати билан таништириш. Ўзбек санъати қадимий тарихга эга. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий жамоа давридаёқ одамлар яшаган. Улар яшаган манзиллардаги қоя суратлар, бронзадан ясалган турли хилдаги тақинчоқ, меҳнат ва уруш қуроллари ибтидоий жамоа даври кишисининг ҳаётини билишга ёрдам беради. Бу сурат бирмунча жўн, содда бўлишига қарамай ибтидоий жамоа даври кишилари ҳаёти, уларнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилаётган вақти ишонarli талқин этилган. Чопиб бораётган ёввойи кўтос, шохли буқалар ва ниқоб остига яшириниб хужум қилаётган одамлар тасвири орқали ибтидоий жамоа даври рассоми шу ов манзарасидаги кучли ҳаракат ва ҳаёжонни усталик билан кўрсата олган. Суратда, айниқса, ҳайвонлар тасвири ифодали чиққан. Улардаги куч, эпчиллик ҳаётий талқин этилган. ўор деворларига ишланган суратлар Ўзбекистонда, жумладан Бойсун ва Термез туманлари, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Хоразм, Фарғона туманларидан археологлар томонидан кўплаб топилган. Бу суратларнинг нигатикаси жуда чегараланган. Асосан ҳайвонлар тасвири ёки ов манзаралари инъикос этган. Шу билан бирга уй ҳайвонлари ҳам тасвирланган. Бу тасвирлар ибтидоий жамоа тузумидаги ўтроқ ҳолда ҳаёт кечираётган одамларнинг теварак-атрофни ўзига бўйсундириш, улар тафаккурининг тараққий этиб бораётганини тушунишда муҳим роль ўйнайди. Эрамиздан аввалги асрнинг охирлари ва янги эранинг бошларида Ўзбекистонда кулолчилик борасида жиддий ривожланиш сезилди. Турли

шаклдаги хум ва кўзачалар қўлда бажарилган. Уларнинг ташқи безагига эътибор берилганлиги сезилади. Кейинчалик хум юзаси чизиқли нақшлар билан безатила бошланган. Бу даврларда олтиндан, кумушдан безак ва амалий буюмлар ишлаш санъати ҳам кенг тарқала бошлаган. Тасвирий санъатда ҳам мавзу кенгая борган. Бу ўринда юз манзараларини акс эттирувчи бўртма тасвирлар, жангчилар образи диққатга сазовордир. Қулдорлик даврида ҳам Ўрта Осиёда санъатга қизиқиш кучли бўлган. Бойларнинг уйи, ибодатхона деворлари суратлар, нақшлар билан безатилган. Эрамизнинг бошларига келиб, иқтисодий жиҳатдан бир мунча илгари силжиш юз бера бошлади, шаҳарлар қурилиши жонланди. Бу давр санъатида Грек санъатининг таъсири борлиги сезилади. Ҳайкалтарошлик санъати кенг тарқалди. Бундай ҳайкалчалар Сўғд, Хоразмдаги шаҳарчалардан кўплаб топилган. Шу билан бирга Будда ва унинг шогирдлари тасвири жуда кўп учрайди.

Хоразмда топилган ёдгорликлар, айниқса Тупроққалъадан (III-IV аср) қўлга киритилган ҳайвон ва деворий расмлар қадимги ўзбек санъатини билишда муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилади.

VI-VIII асрлар халқ санъати, маданият тарихида кўтарилиш даври бўлди. Бу асрларда кўплаб йирик монументал иншоотлар, ҳашаматли бинолар қурилди. Варахша (Бухоро вил.), Афросиёб (Самарқанд вил.)даги сарой қолдиқлари, уларнинг деворларига ишланган суратлар яратилган ҳайкаллар юксак маҳорат билан ишланганлиги ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади.

Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал Фаробий яшаган вақтлар ҳам бизга жуда кўп нодир ёдгорликлар қолдирди. Бу асрларда меъморчилик етакчи ўринни эгаллади. Шу даврнинг ёдгорликларидан бири бу Самонийлар мақбараси ўз даврининг эстетик фалсафий қарашларини мужассамлаштирган.

Темур ва Темурийлар даврида яратилган Бибихоним мачити, А.Темур мақбараси. Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Шохи-Зинда ансамбли - буларнинг ҳамаси халқ бадиий меросининг ёрқин саҳифасини ташкил этибгина қолмай, балки жаҳон тасвирий санъати тарихи саҳифаларида ўзининг фахрли ўрнини эгаллайди. Бу даврда миниатюра санъати борасида ҳам сезиларли жонланиш бўлди. Шу даврда яшаб ижод этган Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳхиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқа мусаввирлар миниатюра санъатининг нодир намуналарини яратиб қолдирдилар. Булар орасида айниқса, К.Беҳзоднинг фаолияти (1466-1535) диққатга сазовордир. У Хиротда туғилиб, кейинчалик Ўусайн Байқаро кутубхонасида ишлаган. 1507 йил Хуросон Шайбонийхон кўлига ўтгач, Бухорога кўчиб келган ва шу ерда (1522 й) яшаб ижод қилган ва ўзининг машҳур Шайбонийхон портретини яратган. Бундан ташқари у бир нечта машҳур инсонларнинг портретини ишлайди, шоирлар асарларига ажойиб, нафис иллюстрациялар яратади. Буюк А.Навоийнинг ғамхўрлигида камол топган Беҳзод Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Низомийнинг «Хамса», Хисрав Дехлавийнинг «Хамса», Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларига кўплаб суратлар чизган. У Ўрта Осиё миниатюра

мактабининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг ижодий режаларини кейинчалик унинг шогирдлари давом эттирдилар. Булар Мулла Юсуф, Қосим Али ва бошқалардир. XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Урганч, Тошкентда яратилган меъморчилик обидалари, декоратив-амалий санъат буюмлари халқнинг гўзалликка бўлган интилишидан далолат беради.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек санъати тарихида янги босқич бошланди. Бу даврда халқ декоратив-амалий санъати етакчи ўринни эгаллади. Бу санъат шу давр кишилари учун воқеликни, теварк-атроф гўзаллигини юксак поэтик шаклларда акс эттирувчи, уларнинг ҳаёт, гўзаллик тушунчаларини ифодаловчи бирдан бир санъат тури бўлиб қолди. Қўли гул халқ усталари яратган нафис заргарлик буюмлари, кулолнинг ажойиб сапол буюмлари, наққошнинг безакларида шу давр кишиларининг воқеликка бўлган эстетик муносабати, эстетик идеали, ҳаёт тўғрисидаги фалсафий қарашлари ўзининг бадий талқинини топди. Усталарнинг ижодида ўзбек халқининг бой ўтмиши анъаналари давом эттирилди.

Б) Рантасвирда
манзара жанри

Б) Рантасвирда манзара жанри.

Манзара - французча «Пейзаж» сўзидан олинган бўлиб, «Табиат» деган маънони англатади, тасвирий санъатда эса табиатнинг табиий ёки ҳаёлий кўринишларини ифодаловчи жанр ҳисобланади.

Ибтидоий одам неолит асридаёқ, одамни ўраб турувчи табиат элементларини қоядаги тасвирларда берганлар. Масалан, Жазоирдаги қадимги суратларда ов манзаралари, подаларни ўтиши ва бошқа дарахт, тош, кўл, сув кабилар схематик тарзида ифода этилган.

Манзара мотивларини кенг қўлланилганлигини Қадимги Шарқ ва Критдаги фиръавнлар ови ёки ёввойи ҳайвонлар тасвирида кўрамиз. Бу тасвирлар эрамиздан аввалги XX, XV асрларга таалуқлидир. Бу ҳақда юқорида мисоллар келтириб ўтдик.

Натурадаги рангда тасвирлаш жараёни ўз қонун қоидаларига эга. Ишнинг бошланиш қисмида нималар қилиш, ўртасида қайси масалаларни хал этиш ва охирлаб қолганда уни қандай яқунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангтасвирда қуйдаги асосий масалаларни хал этиш зарур:

- Умумий тус ва ранг ҳолатлари ва натура бўёқларнинг бир-бирга яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;
- Катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг «чўзилиши», алоҳида бўмларнинг хажми шакиларининг батафсил рангли қайта ишланиши;

- Бутун тасвирнинг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш. Бу масалаларнинг ҳар бири нима билан яқунланиши кетма-кетликда кўриб чиқамиз.

Тасвирлашнинг тўлиқ рангтасвири қурилиши, натуранинг асосий қисимлари оралиғидаги тус ва ранглар муносабатининг аниқ ва тўғри кўрсатилиши билан аниқланади. Натюрмортда улар-фон, натура қўйилмасида стол юзаси ва буюмлар ҳисобланади. Манзарада эса –осмон оралиғидаги ер юзаси ва дарёдаги сув, олдинги, ўрта ва орқа оралиқдаги кўринишлардир. Агарда бу асосий ранг-туслар муносабати (фарқлари) «этюда»да нотўғри тасвирланса, манзарадаги объектлар ёки буюмлар шаклидаги ранг туслари, рефлекслар ва жисм бўлаклари устида ҳар қанча берилиб ишланмасин, юқори савияли мукамал рангтасвирга эришиб бўлмайди. Қаламтасвири ишлашда ҳам тахлилий масала бажарилади: дастлаб буюмнинг «конструктив»-ички қурилиши, нисбатлари, яхлит умумий шакл топилади. Рассом шундай шароитда алсо бу масаладан чекинмайди, натурани умумий ва яхлит кўради. Ҳ.Ҳ.Ге бежиз рассомларни огохлантирмайди: «Натура»даги бош қисмларни белгилаб, нисбатларни текшириш учун дархол асосий соя ва ёруғликни умумий синчиклаб ўрганиб чиқинг ва ҳар доим, ҳар вақт тасвири бошидан охиригача умумлаштирган ҳолда чизинг ҳамда майда бўлақларга охиста киришинг. Мана сизларга чизишнинг сири».

Рангтасвирда ҳам, иш бошлашдан аввал натурадаги умумий ранг муносабатларини диққат билан ўрганиб чиқиш лозим. Шунинг учун бу масалага 5-10 минут вақт сарфлаб, натуранинг умумий ранг

муносабатларини тушуниш керак: энг оч ва энг тўқ (зич) доғ қаерда, туси ва ранг кучи бўйича асосий фарқлар (тўйинганлиги) қандай эканлигини топиш керак. Масалан, натурадаги сариқ олмалар фондаги сариқ мато билан солиштирилса, олмалар матодан очроқ уларнинг сариқ туси сариқ матога нисбатан ёрқинроқ (тўйинган) кўринади. Рангнинг уч хил ўзига хослиги бўйича натура қўйилмасидаги буюмларнинг асосий ранг хусусиятлилиги мавжуд.

Объектдаги умумийлигини топилиши расомни натурадаги иккинчи даражали белгилар унинг майдай бўлакларга ,калоритли масалага мустасно холда эътибор беришдан, умумий тус ва ранг холатини, асосий тус ва ранг муносабатларини пайдо қилишдан чалғитишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб натуранинг ранглар қонуниятларида ҳам, асосига эршилади, этюднинг кейинги майда деталли ишларига пойдевор яратилади.

Ранг муносабатларини энг аввало оч ва интенсив рангларни кидиришдан бошлаш керак, сўнг энг тўқини топиб, қолганларини эса шуларга нисбатан аниқлаш маъқул. Кейинги тусларга бироз тўқроқ ва бироз интенсив бўлганлар ва бошқалар кирасди. Мураккаб кулранг туслар охирида берилади.

Дастлабки ва яқунловчи тусларни ҳар доим ҳам энг оч ва энг тўқ ҳамда тўйинган қилиб олинмайди. Қўйилмадаги энг оч жой ҳар доим ҳам оқ бўлавермайди, энг тўқ жой эса қора бўлмайди. Кучли тўйинган ёрқин ранглар ҳам камдан-кам учрайди. Натюрмортдаги қизил помидорни одатда ёрқинлиги бўйича тоза қирмизи рангда эмас, балки уни 50% га сустроқ тусда бериш маъқул. Ҳаттоки

Баҳорги ўт - ўланларни тасвирлашда жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Унинг ёрқинлигини шундай кучайтириб тасвирлаш мумкинки, натижада у ўзининг табиий кўринишидан бошқача бўлиб чиқиб қолади. Шунинг учун ишга киришишдан аввал умумий тус ва ранглар кучини аниқлаб олиш керак: муносабатларни қандай бўёқлар йиғиндисидан бажариш – оч ёки тўқ, ёрқинликнинг (тўйинганлик) қандай чегарасидан бўлишини ҳам аниқлаш муҳим. Қисқа қилиб айтганда, натуранинг умумий тус ва ранг ҳолатини билиш керак. Бундай ҳолатни сақлаб қолиш учун балки ранглар муносабатини чегараланган бўёқларда тасвирлашга тўғри келади. Ишни энг оч, тўқ ва ёрқин туслардан бошлаганда политрадаги барча ранглардан, шу билан бирга энг ёрқин ва кескин бўёқлардан фойдаланиш шарт эмас.

Ёруғ-соя ва ранг муносабатларини аниқлашда умумийдан хусусийга қараб бориш лозим. Аввало асосий объект оралиғидаги тус фарқларини топиш муҳим : натюрмортда, масалан, стол юзаси ва фон оралиғидаги кўза, чойнак ва кўзага тушаётган ёруғлик ва бошқалар. Манзарани тасвирлашда аввало осмон ва ернинг алоҳида жисмларини бир-бирига ва уларнинг яхлитлигида бўлган ранг муносабатларида аниқлаш керак. Инсон қомати тасвири ёки портрет ҳам худди шу тариқа бажарилади.

Рассомларнинг амалий тажрибасида шундай жумлалар мавжуд : “катта ёруғлик” , “катта соя” , “катта шакл” , “катта ранглар муносабати” . Булардан мақсад натура объектини яхлит кўриш ва уларни барқарор қилиб тасвирлашдир.

Натурани яхлит идрок этганда, ёруғлик тикка таъсир этаётган жойдаги нарсалар ягона бир қисмни ташкил этади ва ундаги доғлар кучлилиги бўйича соя қисмдагига тенг кела олмайди. Худди шуларни шахсий ва тушаётган сояларга мослаш мумкин: улар тус бўйича яримсоя билан яхши чиқишади, яримсоя эса тасвирнинг ёруғлик қисмларидаги кучга тенг кела олмайди. Соядаги рефлекс яримсоядан оч бўла олмайди, аммо шахсий соянинг умумий тусига бўйсунди. Объектдаги ушбу катта шакллар ёки буюмлар гуруҳи туси ва рангининг тўғри сақланиши тасвирга яхлитлик ва ёритилишининг тўғри бўлишига туртки бўлади.

Умумий ранглар муносабати ва навбатдаги ишнинг давоми натурага ҳос колоритни ҳисобга олган ҳолда бориши керак. Натурадан кам ишлаган, тажрибасиз рассомлар у ёки бу натюрморт ранглавҳа этюдини, манзарани ёки портретни тасвирлаётганда ҳар доим ҳам ундаги яхлитлик ва бўёқлар бирлигини муваффақиятли бажара олишмайди. Натурадан ишлаш жараёнида ҳар бир аниқ ҳолатда колоритни тушуниб етиш, тусли ва рангли ҳолат хусусиятини кўрсата билишлари зарур. Ҳамма гап натура бўёқларидаги умумий тус, ранг ҳолати ва колорит бирлигини кўриш ва тушуниб етишдадир.

Ҳаваскор рассом манзара лавҳани тасвирлаётганда олд кўринишидан бошлаши маъқул. Агар ранг қатламларини орқа кўринишдан кўя бошласа, унинг ранг ва тус кучларини ошириб юбориб, биринчи кўринишни бўрттириб кўрсатишга бўёқларнинг кучи етмайди.

Матонинг тўлиқ юзаси бўёқлар билан буткул қопланиб, муносабатлар тўғри олинмагунча ҳақиқий жарангдор бўёқларни, ёруғлик кучини ва тасвирланаётган буюмлар моддийлигини ҳис қилиб бўлмайди. Палитрадаги ёрқин бўёқ - ҳали матодаги ёрқин тус эмас. Буюмларнинг ёритилиши ва материаллиги муносабатларнинг тўғри олиншига боғлиқ, акс ҳолда ён тарафдаги туслар тўғри топилмаса, қайсидир бир рангнинг жарангдорлигига эришиб бўлмайди.

Рангтасвир ишлаш жараёнида ранглар муносабатини тўғри аниқлаш билан бирга, шуни ёддан чиқармаслик керакки, биз фақат оддий ранг доғлари билан эмас, балки аниқ бир шакл устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Ранглар муносабатини излашдан мақсад, тўғри топилган ранг туслари билан натурани, унинг хажмли шаклини тўғри топиш демакдир. Агар ранг буюмнинг фазовий жойлашуви, материаллиги ва аниқ шаклини ифода этмас экан, у тасвирда ўз маъносини йўқотади. Оч ва тўқ, рангли ва рангсиз бўёқ суртмалари маълум бир буюм шаклига ва объектга тегишли бўлсагина, материаллик, ранглар уйғунлиги ва колоритни яратади.

Манзаранинг фазовий кенглигини масалан, фақат ҳаво перспективаси туфайли ранглар ўзгаришини кўрсатиб берувчи рангли доғлар эмас, балки ер юзасида жойлашган нарсалар ва объектлар: дарахтлар, қурилишлар, тўғри тўртбурчакли ва нотекис майдонларни ўлчамлари ва чизиқлар аниқлиги рангларда ўзгариб, манзаранинг фазовий узоқлашишини яратади. Тоғларни, масалан, иккинчи ва олис кўринишда умумий ранг доғларида ифода этиш

мумкин эмас. Ранг билан уларнинг рельефини ва ўсимликлар тузилишини тасвирлаш керак.

Тасвирдаги қисмлар йиғиндиси яхлитга тенг эмас, чунки яхлитлик – бу қисмлар йиғиндисига бирлик, шу қисмларнинг бирига бўйсунганлиги ва жамланганлиги ҳисобланади. Академик Е.А.Кибрик тасвирлашнинг яхлитлиги ҳақида шундай ёзган :
“Яхлитлик қонунига бўйсунмасдан туриб, натурадан на қаламда, на рангда тасвирлаш мумкин эмас. Шакл ҳам, ранг ҳам ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди, фақат яхлитлик қисми каби яхлитликка нисбатан бўлади”.

Ижодий жараён









Ўқув – услубий

ҚИСМ

Ҳаётий фаолият хавфсизлиги

Ҳаётӣ фаолият хавфсизлиги

Битирув малакавий ишида ўқувчилар учун хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва электр хавфсизлигини ошириш, zilзиладан ва ёнғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишининг “Ҳаётӣ фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида мен асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетишига қаратдим.

Битирув малакавий ишларини бажаришда рангларни таъсири бир хиллик одамда салбий таъсир этиб инсон организми химоясини ва асабни макразлашувини камайтиради. Яъни диққатни бир ерга жамлай олмайди.

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни камаштирмайдиган рангда бўяш, ёритиш, мусиқа, безаш толиқишнинг олдини олиши, руҳий физиологик йўналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларининг рангини яшил рангга бўяш мақсадга мувофиқ, чунки бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарнинг ускуналарини бўяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил, сарик ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб, инсон организми химоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Бўёқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумраклар ва бошқа ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадий безатиш чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишларни камайтириш, меъерий микроклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбий алоқаси бўлмаган касалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади.

**Атроф муҳит
муҳофазаси.**

**Табиий ресурс
турлари ва таснифи**

Атроф муҳит муҳофазаси.

Табиий ресурс турлари ва таснифи

Инсоният эҳтиёжларини усиб бориши билан табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш босқичи вужудга кела бошлади. XIX асрнинг урталаридан бошлаб табиий ресурслар билан бир қаторда алоҳида ноёб табиий ҳудудларни муҳофаза қилишга эътибор қучайди.

Табиатдан фойдаланиш, ундаги узгаришларни назорат қилиб бориш ва муҳофаза қилиш жараёнлари узаро ҳамбарчас боғланган жараёнлар ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси - табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни жорий қилиш, атроф муҳитни ифлосланишидан саклаш, ундаги салбий узгаришларни башорат қилиш ва уларни олдини олишдан иборат.

Жамият ривожланишини турли табиий ресурсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиий ресурс деганда инсоннинг ҳаёти, ҳужалик фаолияти учун зарур бўлган барча табиий жисмлар, жамият ривожининг асосий мезони ҳисобланади.

Табиий ресурслар таснифи.

Тугайдиган ресурслар		Тугамайдиган ресурслар
Тикланмайдиган ресурслар	Тикланадиган ресурслар	

Ер казилмалари (кумир, нефть, газ, рукдали ва нору казилма бойлик лари)	Тупрок, усимлик ва хайвонлар, сув ресурслари	Хаво, сув ресурслари, энергия (куёш энергияси, ядро, геотермал, шамол, тулкин энергиялари)
--	--	--

Табиий ресурслар таснифини билиш улардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Сув ва хаво сифат жихатидан тугайдиган ресурс хзисобланади. Усимлик ва хайвонларни факатгина маълумгина популяцияси сакланиб қолган ҳолдагина қайта тиклаш мумкин. Ер ости казилмаларини тикланмаслигини ҳисобга олиб, улардан оқилона файланаиш муҳим аҳамиятга эга. Одатда, табиий ресурслар реал ва потенциал ресурсларга ҳам бўлинади. Реал ресурслар деб табиатда мавжуд ресурслардан тугридан-тугри фойдаланиш имконини берадиган ресурсларга айтилади. Масалан, сув, хаво, урмон ва ҳақозо ресурслар. Потенциал ресурслар эса табиатдаги ресурсларга қушимча технологиялар, энергия, ишчи кучи, маблаг сарф этиш орқали реал ресурсларга айлантирилади. Бундай ресурс турларига асосан ер ости казилмаларини киритиш мумкин. Булардан ташқари табиий ресурслар миллий ва халқаро ресурсларга ҳам ажратилади. Миллий ресурсларга ҳар бир Давлат ҳудудида тарқалган ресурслар кириб, уларга шу Давлат эгалик қилади ва улардан турли мақсадларда фойдаланилади ва муҳофаза қилинади.

Дунё, океан ресурслари, атмосфера хавоси, Антрактида табиий ресурслари, космик фазо, кучиб юрувчи хайвонлар умумжахон ресурслар хисобланади. Улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш фақатгина халқаро келишувлар асосида, турли мамлакатлар иштирокидагина мувоффақиятли амалга оширилиши ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосланган йулларини ишлаб чиқиш мумкин.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб фан ва техниканинг жадал ривожланиши инсониятнинг табиатга нисбатан таъсири даражасини кескин ортиб кетишига олиб келди. Инсонлар қудратли техника ва транспортлар ёрдамида биосферадаги модда ва энергия алмашинуви жараёнига бевосита таъсир қурсатиб, айрим ҳудудларга табиий мувозанатни бузилишига сабаб буладилар. Табиий ресурсларни қуплаб узлаштирилиши, саноат ишлаб чиқаришнинг ортиши, техника транспорт воситалари сонининг қупайиши атроф муҳитни қучли ифлосланиши муаммосини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда инсоният эҳтиёжини қондириш учун ер остидан 120 млрд.тоннадан ортиқ фойдали қазилмалар қазиб олинади. Шунингдек, турли ишлаб чиқариш тармоқларида йилига 4000 км кубдан ортиқ сув ишлатилади. Ёниш жараёнларида эса йилига 15 млрд.тонна қислород сарф булади. ЮНЕП маълумотларига қура(1995 йил.) ҳар секундда атмосферага 200 тоннадан ортиқ қарбон қазилмоқда ва 750 тонна унумдор тупроқ қатлами йуқотилмоқда. Ҳар қуни 47 минг гектар урмон қесилмоқда. 346 минг гектар ерлар қулга айланмоқда. Тахминан 100-300 тур усимлик тури йуқолмоқда.

Табиатга нисбатан бундай таъсирнинг кучайишига аҳоли сонининг кескин ошиб боришига ҳам бевосита боғлиқ. Сайёрамизда XX аср бошларида 1 млрд.600млн.киши яшаган бўлса, 1960 йилга бориб уларнинг сони 3млрд.га, 2000 йилда эса аҳоли сони 6 млрд.дан ортиши кутилмоқда. Экологик инкирознинг оддини олиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, атроф-мухитни ифлосланишдан саклаш ва демография муаммоларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Фан ва техника тараккиёти урбанизация жараёнини жадаллашувига олиб келди. Урбанизация - шаҳарлар салмогининг ортиб бориши, шаҳар қурилиш тарзининг кенг ёйилишидир. Ҳозирда ер юзи аҳолисининг ярмидан ортиги шаҳарларда яшамокда. Аҳоли саноат ва транспорт зич жойлашган шаҳарлар биосферани ифлословчи асосий манбалар ҳисобланади. Йирик шаҳарлар ҳар куни атроф мухитга минглаб тонна захарли бирикмалар, ифлос оқавалар, каттик чиқиндилар, иссиқлик чиқариб туради. Шаҳарлар аҳолисининг касалланиш даражаси ҳам юқори ҳисобланади.

Атроф мухитни муҳофаза қилишда табиатдаги жараён ва ходисаларнинг узвий боғлиқлиги, ресурслардан фойдаланишда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, бир ресурслар ёки табиат компонентини муҳофаза қилиш орқали бошқа компонентларнинг ҳам муҳофазасини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатни муҳофаза қиילш каби принцип ва қоидаларга амал қилиш лозим.

Инсон қундалиқ ҳаёт эҳтиёжларини қондириш учун табиатни узгартиради ва ундан фойдаланади. Табиатдан фойдаланиш муҳим

сийсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади. Табиий ресурслардан фойдаланиш муҳитнинг ифлосланишини давлатлараро келишмовчилик, ҳатто уруш ҳаракатларини келтириб чиқариши мумкин. Табиатдан фойдаланиш талабларини бузилиши эса катта иқтисодий зарар етказади.

Куп йиллар давомида хом ашё базаси булиб келган Ўзбекистонда табиий муҳит ҳолати анча аянчли аҳволга келиб қолган. Ер ости бойликларини исрофгарчилик билан ушлаштирилиши натижасида катта майдонлардаги унумдор ерлар ярқисиз аҳволга тушиб қолган. Сув, ҳаво, тупроқ ифлосланган. Сугориладиган ерларни эрозия, чулға айланиши, шурланиш жараёнлари тезлашган. Йирик саноат марказлари, катта шаҳарларда мураккаб экологик вазият кузатилмоқда. Орол денгизи, Оролбуйи муаммолари янада қуплаб экологик жумбокларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистонда турли касалликларни қупайиши ва атроф муҳитни ифлосланиши уртасида бевосита боғланишлар кузатилмоқда.

Иловалар











Хулоса

Хулоса.

Санъат – мухаббат ва гўзаллик демакдир. «Гўзаллик оламни кутқаради», ха бу ибора сайёрамиздаги барча гўзал нарсага айтилгандир. Бу гўзалликни инсон ўз кўли билан яратади. Аждодларимиз умумий жаннат яратиш илинжида санъатнинг хилма-хил турларини равнақ топдирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг истиқболга эришиши, ҳалқимизнинг тарихий қадриятлари, маънавий меъроси, ҳалқ педагогикаси анъаналарини қайта тиклашга ва уларни замонавий педагогик технологиялар асосида ривожлатиришга катта йўл очиб берди. Тасвирий санъат турларига ўқувчи ёшларни жалб этиш катта тарбиявий ахамиятга эгадир. Шу жумладан педагогика фани, хусусан санъат педагогикасининг олдига янги вазифалар юклади. Санъат педагогикасида хам бошқа сохалар каби туб ўзгаришлар даври кечмокда.

Ёшларни ижтимоий-маданий маънавий ва маърифий ахамиятга молик бўлган талабаларни тайёрлаш, тасвирий санъат ўқитувчисининг энг биринчи вазифаси хисобланади. Ўқитувчи эса қалам ва буёқлар билан ифода этиш кўникмаларини ва уларни ўқувчиларига етказа олиши керак.

Шунингдек мен хам ўз билимимни бор кучим билан ёшларга етказиб уларни бахраманд қилишга ваъда бераман мана мен 4 йил мобайнида шу даражада билим олганимдан хурсандман. Менинг ўқишимга ёрдам бериб келаётган Ота-Онамга, турмуш ўртоғимга ва ўз билими ва вақтиларини аямай ёрдам бериб келаётган устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Адабиётлар

Адабиётлар

1. *Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2 қисмлик. 1-қисм. - Т., 1987.*
2. *Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2 қисмлик. 2-қисм. - Т., 2001.*
3. *Абдурахмонов Ғ.М. Тасвирий санъат композицияси. - Т., 1996.*
4. *Азимова Б. Натюрморт тузиши ва тасвирлаш методикаси. - Т., 1984.*
5. *Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты (рисунок, живопись, композиция). Учебное пособие для студентов пединститутов. - М., 1981.*
6. *Беда Г.В. Живопись. Учебное пособие. - М., 1986.*
7. *Гренберг Ю.И. Технология станковой живописи (монография). - М., 1982.*
8. *Вольков Н.Н. Композиция в живописи М. 1977.*
9. *Делакруа Э. Мысли об искусстве. О знаменитых художниках. М. 1960.*
10. *Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. Вып. 1. От древнейших времен по XVI век. - М., 1985.*